

«Тасдиқлайман»
“Ўқув таълим-таъминот” ДМ
раҳбари, Харид комиссияси
раиси



Б. Исламов

« _____ » _____ 20__ й.

**2022-2023 Ўқув йилига умумий ўрта таълим
ташкilotлари учун нашр этилиши режалаштирилган
Кэмбридж университети нашриётининг 7-11 синф
инглиз тили фанидан дарсликлар ва ўқув-методик
мажмуалар хариди учун электрон шаклда
тендер ўтказиш бўйича харид ҳужжатлари**

_____ -сон тендер

Буюртмачи: Халқ таълими вазирлиги

Тошкент – 2022 й.

МУНДАРИЖА

- I. Тендер иштирокчиси учун йўриқнома.**
- II. Тендер ҳужжатларининг техник қисми.**
- III. Тендер ҳужжатларининг нарх қисми.**
- IV. Шартнома лойиҳаси.**

ТЕНДЕР ҲАҚИДА АХБОРОТ ЖАДВАЛИ

Харид предмети	2022-2023 ўқув йилига умумий ўрта таълим ташкилотлари учун нашр этилиши режалаштирилган Кэмбридж университети нашриётининг 7-11 синф инглиз тили фанидан дарсликлар ва ўқув-методик мажмуалар
Лотларга бўлиниши	1 та лотга бўлинган.
Хариднинг режа-жадвали	
Савдоларни ўтказиш даври (ой)	июнь ойи
Молиялаштириш манбаи	Давлат бюджети ва Республика китоб жамғармаси маблағлари
Бошланғич нарх	16 503 793 963,60 сум ҚҚС билан: 14 351 125 185,74 сум сўм ҚҚС сиз:
Тендер таклифининг таъминоти миқдори (закалат ёки банк кафолати)	1% ҳар бир лот учун
Тўлов шартлари	50% Аванс, қолган 50% топшириш – қабул қилиш далолатномалари ҳамда ҳисоб-фактуралар асосида тўланади. Хорижий корхоналар учун: Харажатларнинг 100% якуний қабул қилиш далолатномаси имзолангандан кейин тўлиқ тўланади.
Тўлов валютаси	ўзбек сўми.
Ўтказиб бериш/хизмат кўрсатиш жойи ва шартлари	“Транспорт ва логистика хизмати” ДУК томонидан тайёр маҳсулотлар олиб чиқиб кетилади.
Ўтказиб бериш/хизмат кўрсатиш муддати (вақти)	Олдиндан тўлов амалга оширилган кундан бошлаб 60 календарь кун муддатда.
Тендер таклифининг амал қилиш муддати	Таклифлар берилган кундан бошлаб камида 45 кун
Тендер иштирокчиларига қўйиладиган талаблар	<i>Тендерда, унда қатнашиши учун қўйиладиган шартларни бажарган, мулкчилик шаклидан қатъий назар, Ўзбекистон Республикасининг резиденти ёки норезиденти бўлган барча жисмоний ёки юридик шахслар иштирок этиши мумкин.</i>
Тендер таклифларини тақдим этиш муддати <i>(камида ўн икки иш куни ва кўпи билан ўттиз иш куни)</i>	камида ўн икки иш куни
Тендер ўтказиш бўйича харид комиссиясининг масъул котиби (ёки ишчи органи)	Буюртмачининг иштирокчилар билан боғланиш учун алоқа боғловчи шахслар: К.Аллаёров Тел.: (+99855) 501-33-70, (90) 440-00-01

I. ТЕНДЕР ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

1 Умумий қоидалар.

- 1.1 Тендер бўйича мазкур харид қилиш ҳужжатлари (кейинги ўринларда - тендер ҳужжатлари) Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги қонуни (кейинги ўринларда – Қонун) ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 февралдаги ПҚ-3550-сон “Лойиҳаолди, лойиҳа, тендер ҳужжатлари ва контрактларни экспертизадан ўтказиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори (кейинги ўринларда – қарор) талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган.
- 1.2 Тендер предмети: 2022-2023 ўқув йилига умумий ўрта таълим ташкилотлари учун нашр этилиши режалаштирилган Кэмбридж университети нашриётининг 7-11 синф инглиз тили фанидан дарсликлар ва ўқув-методик мажмуалари
- 1.3 Тендер ўтказиш (лойиҳани амалга ошириш учун) учун асос: Халқ таълими вазирининг 2021 йил 27 декабрдаги 419-сон буйруғи.
- 1.4 Тендернинг бошланғич нархи:
16 503 793 963,60 сум ҚҚС билан:
14 351 125 185,74 сум сўм ҚҚС сиз:
Тендер таклифида кўрсатилган нархлар бошланғич нархдан ошмаслиги керак.
- 1.5 Харид комиссиясининг мажлислари харид комиссияси аъзолари ҳозирлигида юзма-юз ўтказилади. Юзма-юз мажлислар видеоконференциялар (телеконференциялар ва ҳоказо) шаклида ўтказилиши мумкин. Харид комиссияси ахборот-коммуникация технологиялари воситаларидан фойдаланган ҳолда масофадан туриб овоз бериш ҳуқуқига эга.
- 1.6 Ушбу тендер ҳужжатларида фойдаланиладиган асосий тушунчалар:
аванс тўлови - қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачи ва харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчиси томонидан киритиладиган, операторнинг воситачилик йиғимини ва томонларнинг

закалатини ўз ичига олган молиявий маблағлар суммаси;

таклифни таъминлаш - буюртмачининг талабига биноан иштирокчи томонидан таклифлар ва мажбуриятларнинг гаров, кафолат, закалат тарзида ёхуд қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган бошқа усулда таъминланиши;
давлат харидлари электрон тизимининг оператори (кейинги ўринларда - оператор) - давлат харидларининг субъектларига давлат харидларининг электрон тизимларида харид қилиш тартиб-таомилларини амалга ошириш билан боғлиқ хизматлар кўрсатадиган, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланадиган махсус ваколатли юридик шахсдир;

шахсий кабинет - электрон давлат харидларида иштирок этишни ҳамда зарур ахборотни жойлаштиришни ва ундан фойдаланишни таъминлайдиган, буюртмачи ёки харид қилиш тартиб-таомили иштирокчисининг махсус ахборот порталдаги индивидуал саҳифаси;

ҳисоб-китоб-клиринг палатаси (бундан буён матнда ХККП деб юритилади) - аванс тўловларини депонентлаш ва уларни ҳисобга олиш йўли билан шартномалар бўйича мажбуриятларни бажара оладиган иштирокчиларни электрон харидларга киришини таъминловчи Операторнинг таркибий бўлинмаси;

давлат харидларининг электрон тизими (бундан буён матнда электрон тизим деб юритилади) - электрон давлат харидлари жараёнида давлат харидлари субъектларининг ҳамкорлигини, электрон давлат харидлари жараёнидаги харид қилиш тартиб-таомиллари ўтказилишини таъминлайдиган ташкилий, ахборотга оид ва техник ечимларнинг дастурий мажмуи;

электрон давлат харидлари - ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда давлат харидларини амалга ошириш шакли.

- 2 Электрон тендер ташкилотчилари**
- 2.1 Тендер буюртмачиси: Халқ таълими вазирлиги (кейинги ўринларда – “Буюртмачи”).
- 2.2 Тендер ўтказиш бўйича харид комиссиясининг ишчи органи “Ўқув таълим-таъминот” давлат муассасаси ҳисобланади.
Буюртмачининг иштирокчилар билан боғланиш учун алоқа боғловчи шахс:
“Ўқув таълим таъминот” ДМ Харидларни ташкиллаштириш бўлими бош мутахассиси Аллаёров Комил Бури ўғли, тел: 90 440-00-01
Манзил: Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, 13-даҳа, 49-б уй, тел: (+99855) 501-33-70.
- 2.3 Шартнома эгаси: Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги
- 2.4 Тендер, камида етти нафар аъзодан иборат таркибда буюртмачи томонидан ташкил қилинган харид комиссияси (кейинги ўринларда – тендер комиссияси) томонидан ўтказилади.
- 3 Электрон тендер иштирокчилари**
- 3.1 Электрон тендер иштирокчиси (бундан буён матнда иштирокчи деб юритилади) электрон тендерда давлат харидларини бажариш учун талабгор сифатида иштирок этаётган, Ўзбекистон Республикасининг резиденти ёки норезиденти бўлган жисмоний ёки юридик шахсдир.
- 3.2 Иштирокчи:
давлат харидлари тўғрисидаги ахборотдан қонунчиликда назарда тутилган ҳажмда фойдаланиш;
буюртмачига ёки у томонидан жалб этилган ихтисослашган ташкилотга муайян давлат харидларининг тартиб-таомиллари, уларни ўтказиш талаблари ва шартлари бўйича сўровлар бериш ҳамда улардан тушунтиришлар олиш;
давлат харидлари соҳасидаги шикоятларни кўриб чиқиш бўйича комиссияга харид қилиш тартиб-таомиллари натижалари юзасидан шикоят қилиш;

қонунчиликка мувофиқ таклифларга ўзгартиришлар киритиш ёки уларни қайтариб олиш ҳуқуқига эга.

3.3 Иштирокчи:

давлат харидлари тўғрисидаги қонунчилик талабларига риоя этиши;

харид қилиш ҳужжатлари талабларига мувофиқ бўлган таклифлар ва ҳужжатларни тақдим этиши ҳамда тақдим этилган ахборотнинг ишончлилиги учун жавобгар бўлиши;

асосий бенефициар мулкдор тўғрисидаги маълумотларни ошкор этиши;

ғолиб деб топилган тақдирда, Буюртмачи билан қонунчиликда назарда тутилган тартибда ва муддатларда шартнома тузиши шарт.

3.4 Буюртмачи билан манфаатлар тўқнашуви бўлган иштирокчи давлат харидлари иштирокчиси бўла олмайди.

3.5 Иштирокчи давлат хариди ижрочиси (ғолиб) деб эътироф этилган тақдирда:

тендер савдолари якунлари бўйича ғолиб деб расман эълон қилинган кундан эътиборан икки кун мобайнида давлат харидлари махсус ахборот порталида тегишли маълумотларни жойлаштириш орқали бевосита ёки билвосита 25 фоиз ёки ундан кўп акцияларга (улушга) ҳақиқатдан назорат қилишга эга бўлган ўзининг якуний манфаатдор шахслари (бенефициарлари) тўғрисидаги ахборотларни ошкор қилишлари;

ўзларининг веб-сайтларида ва махсус ахборот порталида доимий асосда тендер савдолари якунлари бўйича имзоланган шартнома мажбуриятлари бажарилиши ҳақидаги маълумотларни жойлаштириб боришга мажбур.

4 Электрон тендерга киритиш

4.1 Иштирокчилар ҲККПдаги шахсий ҳисоб варақларига аванс тўловларини киритганларидан сўнг электрон тендерга қўйилади.

4.2 Буюртмачи ва иштирокчилар электрон харидлардаги иштирокларини электрон рақамли имзоларидан (бундан буён матнда ЭРИ деб

юритилади) фойдаланган ҳолда амалга оширади. Буюртмачи ва иштирокчи томонидан ЭРИдан фойдаланиш, электрон тизимда тузиладиган шартномаларни ҳақиқий деб топиш учун асос бўлиб ҳисобланади.

-Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари давлат харидлари электрон тизимида рўйхатдан ўтишни ва тижорат таклифларини юборишни электрон рақамли имзо калитсиз шахсий кабинет орқали амаога ошириш;

-электрон давлат харидларида қатнашиш учун тўланадиган аванс тўловлар орқали Ўзбекистон Республикасининг норезиденти бўлган харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчиларини идентификация қилиш.

4.3 Операторнинг электрон тизими автоматик режимда қуйидагиларни амалга оширади:

киритилган аванс суммасига мувофиқ ҳар бир лот бўйича электрон харидлардан фойдаланиш; электрон харидларни ўтказиш;

электрон харидлар натижаси бўйича иштирокчиларни аниқлаш;

битимни рўйхатга олиш ва шартномани шакллантириш.

4.4 Иштирокчиларни харидга киритиш улар томонидан порталдаги сўровнома-аризани тўлдириш йўли билан амалга оширилади.

Иштирокчиларни харидга киритиш, уларнинг қуйидаги мезонларга мувофиқ бўлганда амалга оширилади:

шартнома тузиш учун қонуний ҳуқуққа эгалиги; солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорликнинг мавжуд эмаслиги;

ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги;

Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилмаганлиги.

Солиқ органлари томонидан берилган ЭРИ мавжудлиги иштирокчини шартнома тузиш ҳуқуқини белгилайди.

Иштирокчи сўровнома-аризада унга нисбатан қўлланилган банкротлик тартиб-таомиллари

мавжуд эмаслиги ҳамда солиқ ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорликнинг мавжуд эмаслиги ҳақида маълумотларни тасдиқлайди.

Иштирокчи томонидан сўровнома тўлдирилгандан сўнг, портал томонидан Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестри маълумотларини унда иштирокчи ҳақида ёзув мавжуд эмаслик, тендер эълон қилингунга қадар таъсис этилганига 6 ойдан кам бўлмаганлиги ҳолатлари текширилади.

Иштирокчи томонидан таклиф қилинаётган товарнинг намуналарини ўз вақтида тақдим қилинганлиги (*тендер Иштирокчиси томонидан тендер таклифига мос бўлган Товар намунаси топширилганлигини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг асл нусхаси асос бўлиб ҳисобланади*) текширилади.

Оператор:

буюртмачилар ва иштирокчиларга ҲККПда алоҳида шахсий ҳисобрақамлар очади;

буюртмачилар ва иштирокчиларга шахсий кабинетлар ташкил этади.

5 Тендерда иштирок этиш ва таклиф таъминотини тақдим этиш тартиби

5.1 Таклифнинг таъминот усули, шу жумладан тендер иштирокчисининг келишилган муддат даврида ўз таклифини қайтариб олмаслигига кафолат берувчи пул закалатини киритиш ва қайтариб олиш тартиби ҳамда миқдори электрон давлат харидлари тартиб-таомилларини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ белгиланади.

**Ҳужжат топширишининг охириги муддатига қадар давлат буюртмачисининг махсус депозит ҳисоб варағига белгиланган миқдорларда закалат суммасини ўтказмаган ва/ёки банк кафолатини тақдим этмаган иштирокчилар тендер савдосида иштирок этишдан четлаштирилади.*

5.2 Электрон тендерда иштирок этиш учун иштирокчи:

- <https://id.uzex.uz/> сайтида рўйхатдан ўтади ва рўйхатдан ўтиш саҳифасида керакли бўлимларни (мижоз тури, шахсий

маълумотлари, алоқа маълумотлари) тўлдиради. “Якка тартибдаги тадбиркор” ва “Резидент” тизимда фақатгина электрон рақамли имзодан (ЭРИ) фойдаланиб рўйхатдан ўтиши мумкин бўлади;

- рўйхатдан ўтиш жараёни тугагандан сўнг, ХҚКПда иштирокчи учун шахсий ҳисобварақ очилади. Иштирокчилар уларнинг ХҚКПдаги ҳисобрақамларида аванс тўловининг етарли миқдори мавжуд бўлган тақдирдагина электрон давлат харидларида иштирок этадилар;

- тендер шартлари билан батафсил танишгандан сўнг иштирокчи электрон тендерда иштирок этиш учун ариза беради ва “Умумий маълумот” саҳифасида, “Товарлар ва буюмлар”, “Талаблар” бўлимларида зарур маълумотларни тўлдиради.

Талаблар бўлимида маълумот киритиш жараёнида иштирокчидан бирор бир талаб бўйича тасдиқловчи ҳужжат сўралган бўлса, ҳужжатни файл кўринишида юклаш зарур.

5.3 Электрон тендер:

- бюджет буюртмачиси томонидан ўтказилганда иштирокчиларнинг зақалати бюджет буюртмачисининг ҳисоб варағига ўтказилади ва ғолиб аниқлангунга қадар буюртмачининг депозитида сақланади.

Оператор томонидан ғолиб аниқлангунга қадар хатлаб қўйилади. Электрон тендер ғолибининг зақалати шартнома тузилгунга қадар хатланади;

Ғолиб шартнома тузишдан бош тортган тақдирда унга зақалат суммаси қайтариб берилмайди ва буюртмачининг ҳисоб рақамида қолади. Агар харид комиссияси томонидан захирадаги ғолиб аниқланган бўлса, шартнома тузиш ва унга доир мажбуриятларни бажариш ҳуқуқи захирадаги ғолибга ўтади. Бунда захирадаги ғолиб, ғолиб томонидан таклиф этилган нархда (бундан захирадаги ғолиб таклиф этган нарх ғолиб томонидан таклиф этилган нархдан паст бўлган ҳоллар мустасно) шартнома тузади ёки шартнома тузишдан бош тортиши мумкин. Агар харид комиссияси

томонидан захирадаги ғолиб аниқланмаган бўлса ёки захирадаги ғолиб шартнома тузишдан бош тортса, Буюртмачи янги тендер ўтказади.

5.4 Буюртмачи таклифни таъминлаш суммаси тўланишини талаб қилмайди ва таъминлаш тўғрисидаги ҳужжатни бир иш куни давомида қайтаради ёки қуйидаги воқеалардан бири юз берганидан кейин унинг қайтарилишини таъминлайди:

таклифни таъминлашнинг амал қилиш муддати тугаши;

шартноманинг кучга кириши ва ушбу шартноманинг бажарилиши таъминланиши, агар бундай таъминлаш давлат хариди шартларида талаб этилса;

давлат харидларининг бекор қилиниши;

таклифларни юборишнинг охириги муддати тугагунига қадар таклифнинг чақириб олиниши.

5.5 Оператор электрон тендер натижасида шартнома тузилганидан сўнг, бир иш куни давомида закатлатни банддан ечади ва уни ижрочининг тегишли шахсий ҳисоб рақамига қайтаради.

Портал, электрон тендернинг яқунларига кўра, битимнинг ҳақиқий суммасидан операторнинг воситачилик йиғимини иштирокчининг аванс тўловларидан ушлаб қолади. Иштирокчиларнинг банди бекор қилинган пул маблағлари, уларнинг топшириқларига асосан бошқа электрон давлат харидларида аванс тўловлари сифатида фойдаланилиши мумкин ёки хизмат кўрсатадиган банклардаги уларнинг ҳисобрақамларига қайтарилади.

6 Тендер таклифларини баҳолаш тартиби

Электрон тендер харид комиссияси томонидан белгиланган муддатда ўтказилганда электрон тизим автоматик равишда иштирокчилар томонидан жойлаштирилган ва уларнинг тендер таклифларини ташкил этувчи электрон ҳужжатларни кўриш имкониятини беради.

Иштирокчи томонидан бириктирилган файллар унинг тендер таклифида кўрсатилган маълумотларига мос бўлиши ҳамда электрон

тизимдаги электрон майдонлар тўлдирилиши керак.

Электрон тизим иштирокчи таклиф этган нархни бошланғич нархга мувофиқлигини ва электрон майдонларнинг тўлдирилганлигини ҳамда бириктирилган файлларнинг мавжудлигини текширади. Иштирокчи томонидан таклиф этилган нарх бошланғич нархдан юқори бўлса, шунингдек, тўлдирилмаган майдонлар мавжуд бўлса ёки бириктирилган файллар тўлиқ бўлмаса, электрон тизим рад этиш сабабини кўрсатган ҳолда иштирокчининг тендер таклифини рад этади. Бириктирилган файллардаги маълумотларни иштирокчининг тендер таклифида кўрсатилган маълумотларга мувофиқлигини текшириш харид комиссиясининг топшириғига асосан эксперт гуруҳи томонидан амалга оширилади.

6.1 Тендер таклифларини баҳолаш қуйидаги кетма-кетликда амалга оширилади:

тендер таклифининг тендер ҳужжатларида кўрсатилган талабларга мос равишда расмийлаштирилганлигини текшириш;

иштирокчининг малака талабларга (тендер ҳужжатларида назарда тутилган бўлса) мувофиқлигини баҳолаш;

тендер таклифининг техник қисмидаги ҳужжатлари ҳамда топширилган наъмуналар тасдиқланган мезонлар асосида баҳоланади;

тендер таклифининг нарх қисмини баҳолаш.

Бунда электрон тизим тендер таклифининг малака, техник ва нарх қисмларида мавжуд бўлган маълумотларни тендер таклифининг олдинги қисми баҳоланиши яқунлангандан сўнг кетма-кетлик билан ошкор қилинишини таъминлайди.

6.2 Электрон тендер иштирокчилари томонидан тузилган ҳужжатлар рўйхати ушбу йўриқноманинг 1-илоvasида (№ 1, 2, 3, 4, 5 шакллар) келтирилган.

- 6.3 Тендер таклифларини баҳолаш ва тендер қолибини аниқлаш тендер ҳужжатларида (2-илова) белгиланган кетма-кетлик, тартиб, мезонлар ва услублар асосида амалга оширилади.
- 6.4 Иштирокчи қуйидаги ҳолларда тендерда иштирок этишдан четлаштирилади:
- у тўғрисида Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд мавжуд бўлса;
 - унда солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорлик мавжуд бўлса;
 - ўзига нисбатан банкротлик тартиб-таомиллари жорий этилган бўлса;
 - иштирокчи харид қилиш ҳужжатларининг малака, техник ва тижорат талабларига жавоб бермаса;
 - иштирокчи давлат харидлари жараёнида давлат буюртмачиси томонидан бирор-бир хатти-ҳаракатнинг содир этилишига, қарор қабул қилинишига ёки бирор-бир харид қилиш тартиб-таомилининг қўлланилишига таъсир ўтказиш мақсадида давлат буюртмачисининг ёки бошқа давлат органининг исталган ҳозирги ёки собиқ мансабдор шахсига ёки ходимига ҳар қандай шаклдаги ҳақни, ишга ёллаш тўғрисидаги таклифни ёхуд исталган бошқа қимматбаҳо ашёни ёки хизматни бевосита ёхуд билвосита таклиф қилса, берса ёки беришга розилик билдирса;
 - иштирокчи рақобатга қарши ҳаракатларни содир этса ёки қонунчиликни бузган ҳолда манфаатлар тўқнашувини келтириб чиқарса, шунингдек аффилиланганлик ҳоллари аниқланса.
 - иштирокчиси томонидан коррупция кўринишларига йўл қўймаслик бўйича аризани тақдим этмаган бўлса;
 - иштирокчи шартнома тузиш ҳуқуқига эга бўлмаса;
 - иштирокчи барча зарур ҳужжатлар тўпламини белгиланган муддатда тақдим этмаса ёки ўз вақтида тақдим этилган ҳужжатлар тўплами тендер ҳужжатлари талабларига жавоб бермаса;

- иштирокчи томонидан тақдим этилган ҳужжатлардаги ахборотнинг ишончсиз эканлиги аниқланган тақдирда.

- тендер эълон қилингунга қадар таъсис этилганига 6 ой бўлмаган;

- банк кафолатини тақдим қилмаган ва/ёки ҳужжатларни топширишнинг охириги санасига қадар давлат буюртмачисининг махсус депозит ҳисоб варағига белгиланган миқдорларда закат суммасини ўтказмаган;

- таклиф қилинаётган товарнинг намуналарини ўз вақтида тақдим қилмаган (тендер Иштирокчиси томонидан тендер таклифига мос бўлган Товар намунаси топширилганлигини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг асл нусхаси асос бўлиб ҳисобланади).

- Муассислари битта юридик ва жисмоний шахслар бўлган иштирокчилар.

Иштирокчини харид қилиш тартиб-таомилларида иштирок этишдан четлатиш тўғрисидаги қарор ва бунинг сабаблари харид қилиш тартиб-таомиллари ҳақидаги баённомага (ҳисоботга) киритилади ҳамда улар ҳақида тегишли иштирокчига дарҳол хабар берилади.

6.5 Агар тендер таклифи Қонуннинг ва тендер ҳужжатларининг талабларига мувофиқ келса, у тегишли тарзда расмийлаштирилган деб топилади. Тендер таклифи тендер ҳужжатларининг талабларига мувофиқлиги ёки номувофиқлиги бўйича харид комиссияси топшириғига асосан ташкил этилган эксперт гуруҳининг хулосалари асосида, комиссия томонидан тасдиқланиши лозим бўлган қарор комиссиянинг маъсул котиби томонидан жойлаштирилади.

Иштирокчининг тендер таклифи талабларга мос келмаганлиги тўғрисидаги қарор, ушбу қарор қабул қилинган кунда иштирокчининг шахсий кабинетига юборилади.

6.6 Тендер таклифларини баҳолаш вақтида харид комиссиясининг котиби электрон тендер иштирокчиларидан уларнинг тендер таклифлари юзасидан тушунтиришлар сўрашга

ҳақли. Мазкур жараён электрон шаклда ўтказилади.

Тушунтириш бериш жараёнида берилган таклиф ва нарх бўйича ўзгартиришларга йўл қўйилмайди.

7 Электрон тендерда иштирок этиш учун таклиф бериш

6.7 Тендер иштирокчиларининг таклифларини кўриб чиқиш ва баҳолаш муддати таклифлар бериш тугаган пайдан эътиборан қирқ беш иш кунидан ошиши мумкин эмас.

7.1 Тендерда иштирок этиш учун таклиф давлат тилида ва заруриятга қараб бошқа тилларда тайёрланади.

7.2 Электрон тендер ўтказилганда иштирокчилар тендер таклифларини электрон кўринишида ўзларининг шахсий кабинетлари орқали электрон тендерни ўтказиш тўғрисидаги эълонда кўрсатилган муддатдан кечиктирмай тақдим этадилар.

Ҳар бир жойлаштирилган электрон ҳужжат иштирокчининг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланади.

7.3 Тендер таклифи билан биргаликда иштирокчилар эскизлар, расмлар, чизмалар, фотосуратлар ва бошқа ҳужжатларни файл сифатида жойлаштиришлари мумкин*.

*Агар давлат харидлари шартларида иштирокчилар томонидан харид объекти бўлган товарларнинг намунаси тақдим этилиши назарда тутилган бўлса, харид комиссияси уларни иштирокчилар томонидан топширишнинг алоҳида тартибини белгилайди.

Иштирокчилар 3 (уч) бирлик маҳсулотлар намунасини (муляжларни) топширилганлиги тўғрисидаги далолатнома.

Тендер иштирокчиси тақдим қилган товар намуналари давлат буюртмачиси томонидан қабул қилинган сана, вақти, миқдори кўрсатилган ҳолда ҳамда қабул қилаётган ва топшираётган шахснинг имзоси билан намуналарни қабул қилиш журналида қайд қилинган ҳолда қабул қилиш-қайтаришни

далолатномалари асосида амалга оширилади. Қабул қилинган товар намуналари эксперт гуруҳлари томонидан баҳоланади. Намуналар Буюртмачи томонидан 2022 йил “_____” _____ Тошкент вақти билан соат 15:00 гача, шанба ва якшанба кунларидан ташқари, қабул қилинади.

Манзил: Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, 13-даҳа, 49-б уй.

Тел.: (+99855) 501-33-13, 501-33-70

Тендер савдоларида ғолиб бўлмаган тендер иштирокчилари ғолиблар рўйхати тасдиқлангандан сўнг 5 кун мобайнида таклиф қилинаётган Товарларнинг ўз намуналарини вақтинча сақлашдан олиб кетишлари шарт. Ушбу муддат тугагандан сўнг тендер Иштирокчилари томонидан талаб қилиб олинмаган намуналар белгиланган тартибда йўқ қилиниши лозим.

Тендер ғолиблари товарларни етказиш юзасидан тузилган шартномага мувофиқ ўз мажбуриятлари тўлиқ бажарилгунга қадар аввал вақтинча сақлашга берилган товарлар намунасини қолдиради. Етказиб бериш шартнома шартлари бажарилгандан сўнг тендер Ғолиби (Ижрочи) 5 кун мобайнида масъул сақланиш жойидан ўзининг товар намуналарини олиб кетишга ҳақли.

**5 кун мобайнида олиб кетилмаган товар намуналари ўрнатилган тартибда йўқ қилинади.*

**Иштирокчиларнинг тендер таклифлари электрон тизимда шаблонларга мувофиқ ҳужжатларни бириктириши орқали тақдим этилади. Иштирокчи томонидан кўрсатилган маълумотлар бириктирилган ҳужжатлардаги маълумотларга мос келиши керак.*

7.4 Тендер таклифларини очиш муддати етиб келгунга қадар улар электрон тендер иштирокчилари, шу жумладан харид комиссияси масъул котиби ва аъзолари томонидан кўрилишига йўл қўйилмайди, бундан ушбу таклифларни тақдим этган

иштирокчи мустасно. Мазкур талабнинг бажарилишига оператор жавобгар ҳисобланади.

- 7.5 Электрон тендер иштирокчиси:
- битта лотга фақат битта тендер таклифини беришга ҳақли
 - тақдим этилаётган ахборот ва ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва тўғрилиги учун жавобгар бўлади;
 - тендер таклифларини бериш муддати тугагунига қадар берилган тендер таклифини қайтариб олишга ёки унга ўзгартиришлар киритишга ҳақли.
- 7.6 Жойлаштирилган эълонда кўрсатилган муддат ва вақтда электрон тизим тендер таклифларини қабул қилишни тўхтатади.
- 7.8 Иштирокчининг техник таклифи қуйидаги ҳужжатларни ўз ичига олиши лозим:
- техник таклиф ва мазкур йўриқномага илова қилинган 7-сон шаклга мувофиқ таклиф этилаётган маҳсулот техник тавсифларининг таққослама жадвали;
 - Тақдим қилинган маҳсулот намуналари учун “Аккредитация маркази” давлат унитар корхонасида аккредитация қилинган (<http://akkred.uz/reestr>) синов лабораториялари томонидан берилган техник талабларга мувофиқлик ҳақидаги синов хулосаси;
 - санитария-эпидемиология синов-лаборатория хулосаси нусхаси. Бунда ҳужжат нусхаси уни берган орган мухри билан тасдиқланади ёки нотариал равишда тасдиқланган (тасдиқланаётган нусха асл нусхага мослигини тасдиқлайдиган) бўлиши лозим.
- 7.9 Иштирокчининг нарх таклифи электрон тизимнинг тегишли бўлимига киритилади.
- 8.1 Зарур бўлган ҳолларда буюртмачи томонидан тендер таклифларини бериш муддати узайтирилиши ёки электрон тендер иштирокчиларига тендер таклифлари қабул қилиниши муддати харид комиссияси қарори

8 Тендер таклифларини тақдим этиш муддатини узайтириш

билан маълум вақтга узайтириш таклифи билан мурожаат қилиши мумкин.

8.2 Буюртмачи харид комиссияси билан келишилган ҳолда тендерда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида бир иш куни олдин тендер ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли.

Товарнинг (ишнинг, хизматнинг) номини ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу тендерда таклифлар бериш тугайдиган муддат камида ўн иш кунига узайтирилади. Шу билан бир вақтда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, тендер ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартишлар киритилади.

9 Подведение итогов электронного тендера

9.1 Тендер ҳужжатларида белгиланган шартлардан келиб чиқиб электрон тизим автоматик равишда:

- тендер таклифининг техник ва нарх қисмларини баҳолашни ҳисобга олган ҳолда энг юқори бал тўплаган иштирокчини (**балл усулидан фойдаланганда**). Икки ёки ундан ортиқ иштирокчилар бир хил балл тўплаган бўлса, тендер таклифини барчадан олдин жойлаштирган иштирокчи ғолиб деб топилади;

- тендер таклифларининг техник қисмини баҳолаш натижаларига кўра электрон тендерда иштирок этишни давом эттиришга рухсат берилган иштирокчилар орасидан энг паст нархни таклиф этган иштирокчини (**энг паст нарх усулидан фойдаланганда**) ғолиб сифатида аниқлайди.

Захира ижрочисини аниқлаш мазкур бандда белгиланган тартибда амалга оширилади.

9.2 Қуйидаги ҳолларда тендер ўтказилмаган деб топилади:

- агар тендерда битта иштирокчи иштирок этган ёки ҳеч ким иштирок этмаган бўлса;

- агар харид комиссияси техник баҳолаш босқичида барча таклифларни рад этган бўлса ёки фақат битта таклиф тендер бўйича харид қилиш ҳужжатлари талабларига мувофиқ келса.

Бундай ҳолатда буюртмачи тендерни айна ўша шартларда ҳамда товарга (ишга, хизматга) доир айна ўша мезонларга ва талабларга мувофиқ такроран амалга ошириши шарт.

9.3 Тендер таклифларини кўриб чиқиш натижаларига кўра харид комиссиясининг масъул котиби электрон тизимдаги мавжуд шаблонлар асосида харид комиссия йиғилишининг электрон баённомаларини шакллантиради ҳамда тасдиқлаш учун харид комиссияси аъзоларига йўллади.

Харид комиссияси аъзолари йиғилишининг электрон баённомаларини электрон рақамли имзоларидан фойдаланган ҳолда тасдиқлайди. Электрон баённомадан кўчирма порталда автоматик равишда эълон қилинади.

9.4 Электрон тендернинг исталган иштирокчиси тендер таклифларини кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг Буюртмачига электрон тендер натижалари бўйича тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли.

Буюртмачи бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида электрон тендер иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

10 Бошқа шартлар

10.1 Тендер ғалиби тузилаётган шартноманинг умумий суммасининг 1 фоизи миқдорида шартнома мажбуриятларини бажариш кафолатини (закалат ёки банк кафолати шаклида) тақдим этади.

10.2 Электрон тендер иштирокчиси тендер ҳужжатларидаги талабларни тушунтириш талаби билан буюртмачига очиқ электрон чат орқали тендер таклифларини бериш муддати тугайдиган санадан камида икки иш куни олдин сўров юборишга ҳақли.

Мазкур сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида Буюртмачи, агар ушбу сўров Буюртмачига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки иш куни олдин келиб тушган бўлса, тендер бўйича харид қилиш ҳужжатларининг қоидаларига доир

тушунтиришларни юборади. Тендер бўйича харид қилиш ҳужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

10.3 Электрон тендер иштирокчиси тендер таклифларини бериш муддати тугагунига қадар берилган тендер таклифини қайтариб олишга ёки унга ўзгартиришлар киритишга ҳақли.

10.4 Буюртмачи ғолиб бўлган таклиф акцептига қадар исталган вақтда давлат харидини бекор қилиш ҳуқуқига эга. Давлат хариди бекор қилинган тақдирда Буюртмачи бундай қарор қабул қилингандан кейин уч иш куни ичида электрон тизим орқали махсус ахборот порталида мазкур қарорнинг асослантирилган сабабларини эълон қилади.

11 Тендер натижалари бўйича шартнома тузиш

11.1 Электрон тендер натижалари бўйича шартнома тендер ҳужжатларида ва тендер ғолиби таклифида кўрсатилган шартлар асосида ғолиб аниқланган вақтдан бошлаб _____ кунлик муддатдан кечиктирмасдан электрон ҳужжат шаклида тузилади.

Шартнома томонларнинг электрон рақамли имзолари билан тасдиқланади ва Шартномаларнинг ягона реестрига киритилади.

11.2 Ғолиб шартнома тузишдан бош тортган тақдирда унга закат суммаси қайтариб берилмайди ва буюрмачининг ҳисоб рақамида қолади. Агар харид комиссияси томонидан захирадаги ғолиб аниқланган бўлса, шартнома тузиш ва унга доир мажбуриятларни бажариш ҳуқуқи захирадаги ғолибга ўтади. Бунда захирадаги ғолиб, ғолиб томонидан таклиф этилган нархда (бундан захирадаги ғолиб таклиф этган нарх ғолиб томонидан таклиф этилган нархдан паст бўлган ҳоллар мустасно) шартнома тузади ёки шартнома тузишдан бош тортиши мумкин. Агар харид комиссияси томонидан захирадаги ғолиб аниқланмаган бўлса ёки захирадаги ғолиб шартнома тузишдан бош тортса, Буюртмачи янги тендер ўтказди.

Тендер таклифларини баҳолаш кетма-кетлиги:

Тендер таклифларини баҳолаш қуйидаги кетма-кетликда амалга оширилади:

- тендер таклифининг тендер ҳужжатларида кўрсатилган талабларга мос равишда расмийлаштирилганлигини текшириш (1-сон жадвал);
- иштирокчининг малака талабларга (тендер ҳужжатларида назарда тутилган бўлса) мувофиқлигини баҳолаш (2-сон жадвал);
- тендер таклифининг техник қисмини баҳолаш (3-сон жадвал);
- тендер таклифининг нарх қисмини баҳолаш (4-сон жадвал).

Бунда электрон тизим тендер таклифининг малака, техник ва нарх қисмларида мавжуд бўлган маълумотларни тендер таклифининг олдинги қисми баҳоланиши яқунлангандан сўнг кетма-кетлик билан ошкор қилинишини таъминлайди

**Электрон тендерда иштирок этиш учун иштирокчилар томонидан
расмийлаштириладиган ҳужжатлар
РЎЙХАТИ**

1-сон жадвал

т/р	Тендерда иштирок этиш учун иштирокчилар томонидан тузиладиган ҳужжатлар ва маълумотлар	Изоҳ	Иштирокчини четлаштириш учун асос
1	Харид комиссияси раиси номига электрон тендерда иштирок этиш учун ариза (<i>1-сон шакл</i>)	1-сон шакл мувофиқ расмийлаштирилади	Харид комиссияси қарорига кўра
2	Ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлигини тасдиқловчи ҳужжат	Ҳужжат мавжуд бўлмаган тақдирда, иштирокчи кейинги босқичга қўйилмайди	Харид комиссияси қарорига кўра
3	Қуйидагиларни тасдиқловчи қафолат хати:		
3.1	- иштирокчи қайта ташкил этиш (бўлиниш, бирлашиш) тугатиш босқичида эмаслигини; - Буюртмачи билан суд ёки ҳакамлик муҳокамасида иши кўриб чиқилмаётганлигини; - иштирокчининг илгари тузилган шартномалар бўйича зарур даражада бажарилмаган мажбуриятларининг мавжуд эмаслигини;	2-сон шакл мувофиқ расмийлаштирилади	Харид комиссияси қарорига кўра
3.2	- ўзига нисбатан банкротлик тартиб-таомилларининг жорий этилмаганлиги.		Қонуннинг 42-моддаси
4	Тендер иштирокчиси ҳақида умумий маълумот	3-сон шакл мувофиқ расмийлаштирилади	Харид комиссияси қарорига кўра
5	Иштирокчининг молиявий аҳволи тўғрисида маълумот	4-сон шакл мувофиқ расмийлаштирилади	Харид комиссияси қарорига кўра
6	Солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорликнинг мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумот	Ваколатли органдан маълумотнома тақдим этилади, агар муддати ўтган	Қонуннинг 42-моддаси

		қарздорлик мавжуд бўлса, иштирокчи тендерда иштирок этишдан четлатилади	
7	Коррупция кўринишларига йўл қўймаслик бўйича ариза	5-сон шакл мувофиқ расмийлаштирилади	Қонуннинг 67-моддаси
8	Оффшор худудларга алоқадорлиги	Агар иштирокчи ва/ёки унинг банки оффшор худудларда рўйхатдан ўтган бўлса, иштирокчи кейинги босқичга қўйилмайди	Харид комиссияси қарорига кўра
7	Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилмаганлиги	Агар иштирокчи Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилган бўлса, иштирокчи кейинги босқичга қўйилмайди	Қонуннинг 42-моддаси
9	Манфаатлар тўқнашуви	Манфаатлар тўқнашуви ва аффилиланганлик ҳолатлари бўлган иштирокчилар кейинги босқичга қўйилмайди	Қонуннинг 46-моддаси
10	Тендер иштирокчиси, тендер таклифлари қабул қилинишининг охириги муддатигача давлат буюртмачиси номига давлат буюртмачиси ва/ёки техник баҳолаш бўйича эксперт гуруҳлар (мутахассислар) томонидан товарнинг техник параметрларини келгусида ўрганиш ва баҳолаш учун товар таклифлар беришнинг сўнги муддатига қадар тақдим қилинаётган намунанинг 3 (учтадан муляж) нусхасини тақдим қилиши лозим.	Қабул қилиш ва топшириш далолатномалари асосида расмийлаштирилади	Харид комиссияси қарорига кўра четлаштирилади
11	Товар номи кўрсатилган ҳолда давлат буюртмачисининг махсус ҳисоб рақамига 1% закат суммаси ўтказиб берилганлиги тўғрисидаги тўловни тасдиқловчи ҳужжат нусхаси.	Заказ суммаси ўтказилганлигини тасдиқлайдиган хизмат кўрсатувчи банк белгиси ёки банк қафолати, закат пулни тўлаш учун тўлов топшириғи нусхаси ёки SWIFT хабари билан тасдиқланган банк қафолати асл нусхаси	Харид комиссияси қарорига кўра четлаштирилади

ИШТИРОКЧИНИНГ БЛАНКАСИДА

2022 йил - _____ даги
_____ -сон

Харид комиссияси

АРИЗА

____-сонли _____ (тендер предмети номи) етказиб бериш бўйича тендер ҳужжатларини, сўровларимизга олинган жавобларни ўрганиб чиқиб, биз, қуйида имзо чекувчи _____ (тендер иштирокчиси номи), тендер ҳужжатларига мувофиқ электрон тендерда иштирок этиш ниятини билдирамыз.

Шу муносабат билан, қуйидаги ҳужжатларни юбормоқдамиз:

1. Электрон тендер иштирокчиси ҳақида умумий маълумот;
2. _____ варақда малака ҳужжатлари тўплами (варақлар сони кўрсатилсин, брошюралар, буклетлар, компакт-дисклар ва бошқалар тақдим этилганда, уларнинг миқдори кўрсатилсин);
3. Техник таклиф ҳужжатлари (тендер ҳужжатларида қайд этилган) ва намуналар тўғрисидаги қабул қилиш далолатномаси;
4. Нарх таклифи;
5. Бошқа ҳужжатлар (бошқа ҳужжатлар тақдим этилган тақдирда, номи ва варақларнинг сонини кўрсатинг).

Таклифни тайёрлаш учун масъул шахснинг тўлиқ Ф.И.Ш.:

Боғланиш учун телефон/факс: _____

Электрон почта манзили: _____

Раҳбар ёки ваколатли шахснинг Ф.И.Ш. ва имзоси

МЎ.

ИШТИРОКЧИНИНГ БЛАНКАСИДА

2022 йил _ - _____ даги
_____ -сон

Харид комиссияси

КАФОЛАТ ХАТИ

Ушбу хат билан _____
(иштирокчи номи)

- Қайта ташкил этиш, тугатиш ёки банкротлик босқичида эмаслигини;
- _____ (бюртмачи номи) билан суд ёки арбитраж муҳокамаси ҳолатида эмаслигини;
- _____ (бюртмачи номи) билан аввал тузилган шартномалар бўйича лозим даражада бажарилмаган мажбуриятлари йўқлигини тасдиқлаймиз.
- _____ банкининг оффшор зоналарда рўйхатдан ўтказилмаганлигини тасдиқлаймиз.

Имзолар:

Раҳбарнинг Ф.И.Ш. _____

Бош бухгалтернинг (молия бўлими бошлиғи) Ф.И.Ш. _____

Ҳуқуқшунос Ф.И.Ш. _____

МЎ.

**Талаб этилаётган ёки шунга ўхшаш хизматни амалга ошириш тажрибаси ҳақида
маълумот**

Т/р	Етказиб бериш предмети номи	Харидорнинг номи, унинг манзили ва алоқа маълумотлари	Етказиб бериш санаси	Изоҳ

Қўшимча маълумотлар: бажариладиган ишлар ҳажми, мижозлар фикри, шунга ўхшаш маҳсулот ва хизматлар бўйича тасдиқланган маълумотлар, портфолио ва бошқалар.

(ваколатли шахс имзоси)

(ваколатли шахснинг Ф.И.Ш ва лавозими)

М.Ў.

Сана: 20__ й. “__” _____

тўғрисида умумий маълумот

№	Кўрсаткичлар	Маълумот
1	Корхонанинг тўлиқ юридик номи ва мулкчилик шакли:	
2	Корхона ташкил топган вақт ва рўйхатдан ўтган рақами:	
3	Хизмат кўрсатувчи банк:	
4	Корхонанинг раҳбари:	
5	Корхонанинг раҳбарининг телефон рақами	
6	Эл. почта: Телеграм рақами:	
7	Низом жамғармаси:	
8	Таъсисчилар%:	
9	Код ОКОНХ, ОКЭД, СТИР:	
10	Корхонанинг ишлаб чиқариш ҳудуди манзили:	
11	Ишлаб чиқариш майдони (кадастрдаги паспортлари асосида):	
12	Умумий ер майдони:	
13	Корхонанинг ишлаб чиқариш биноси мавжудлиги ёки ижара шартномаси асосидалиги тўғрисида (кв.м)	
14	Ўрнатилган дастгоҳлар (номи, сони ва ишлаб чиқарилган йили рўйхат асосида)	
15	*Фаолият тури (асосий ва қўшимча):	
17	Ишлаб чиқариладиган маҳсулот номи (охирги 5 йиллик рўйхат асосида):	
18	Йиллик ишлаб чиқариш қуввати, ундан фойдаланиш даражаси % (Маҳсулот чиқариш ва уни реализация қилиш сум):	
19	Ишчилар сони (уларга тўланган жами иш ҳақи, барча ушланма ва ўтказмалар билан):	
20	Ўртача иш ҳақи:	
21	Зарур булган асосий хом-ашёси (ўртача йиллик ҳажми, номи билан):	
22	2019 йилда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар сони (январь-декабрь)	
23	2019 йилда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар (хизматлар) ҳажми сум	
24	2020 йил ишлаб чиқарган маҳсулоти сони (январь-декабрь)	
25	2020 йил ишлаб чиқарган маҳсулотни сўмдаги нархи (январь-декабрь)	
26	2021 йил ишлаб чиқарган маҳсулоти сони (январь-декабрь)	
27	2021 йил ишлаб чиқарган маҳсулотни сўмдаги нархи (январь-декабрь)	

Муҳр

ИМЗО

ТЕНДЕР ИШТИРОКЧИСИНИНГ МОЛИЯВИЙ ҲОЛАТИ (*)

Тендер иштирокчисининг номи: _____

(валютани кўрсатинг)

АКТИВ	2019 й.	2020 й.	2021 й.	ПАССИВ	2019 й.	2020 й.	2021 й.
I. Узоқ муддатли активлар				I. Ўз маблағлари манбалари			
Асосий воситалар (қолдиқ қиймати)				Устав капитали			
Номоддий активлар (қолдиқ қиймати)				Тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар)			
				Мақсадли тушумлар			
Қимматли қоғозлар				II. Мажбуриятлар			
Капитал қўйилмалар				Узоқ муддатли мажбуриятлар, қарзлар			
Инвестициялар				Кредитор қарздорлик:			
II. Жорий активлар				шу жумладан, муддати ўтгани			
Ишлаб чиқариш захиралари				шу жумладан, бюджет бўйича қарздорлик			
Тугалланмаган ишлаб чиқариш				шу жумладан, иш ҳақи бўйича қарздорлик			
Тайёр маҳсулот							
Дебитор қарздорлик							
Пул маблағлари							
Бошқа жорий активлар							
<i>Баланс активи бўйича жами (I.+ II. бўлимлар)</i>				<i>Баланс пассиви бўйича жами (I.+ II. бўлимлар)</i>			

МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАР

(валютани кўрсатинг)

Кўрсаткичлар номи	2019й.	2020й.	2021й.
1. Сотишдан соф тушум			
2. Сотилган маҳсулотларнинг таннари			
4. Маъмурий харажатлар			
5. Бошқа харажатлар			
6. Бошқа даромадлар			
7. Фойда солиғини тўлагунга қадар фойда (зарар)			
8. Фойда солиғи			
9. Фойда (зарар)			

Раҳбар _____ Бош ҳисобчи _____

Мў.

Сана: 20__ й. “__” _____

(*) Молиявий ҳолати бошқа мезонлар билан белгиланадиган компаниялар унинг молиявий ҳолатини белгилайдиган бошқа шаклни тақдим этишлари мумкин.

ИШТИРОКЧИНИНГ БЛАНКАСИДА

Харид комиссияси

Коррупция кўринишларига йўл қўймаслик бўйича
АРИЗА

Ушбу хат билан _____ :
(компания номи)

а):

- Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида” ги Қонуни талабларига риоя этиш;

- Буюртмачи томонидан бирор-бир хатти-ҳаракатнинг содир этилишига, қарор қабул қилинишига ёки бирор-бир харид қилиш тартиб-таомилининг қўлланилишига таъсир ўтказиш мақсадида Буюртмачининг ёки бошқа давлат органининг исталган ҳозирги ёки собиқ мансабдор шахсига ёки ходимига ҳар қандай шаклдаги ҳақни, ишга ёллаш тўғрисидаги таклифни ёхуд исталган бошқа қимматбаҳо ашёни ёки хизматни бевосита ёхуд билвосита таклиф қилмаслик, бермаслик ёки беришга розилик билдирмаслик;

- рақобатга қарши ҳаракатларни содир этмаслик, шунингдек аффилланганлик холларига йўл қўймаслик;

- фирибгарлик, маълумотларни сохталаштириш ва коррупцияни олдини олиш;

- ёлғон ёки сохта ҳужжатларни тақдим этмаслик, айти битта лотда иштирок этган аффилланган шахслар ёки манфаатлар тўқнашуви тўғрисида маълумотларни очиб бериш мажбуриятини ўз зиммасига олишини;

б):

- Буюртмачи билан манфаатлар тўқнашувига эга эмаслигини, ижрочини танлаш бўйича қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга яқин қариндошларнинг мавжуд эмаслигини;

- нархларни ёки иштирокчиларни саралаш натижаларини бузиб кўрсатиш мақсадида бошқа иштирокчилар билан олдиндан тил бириктирмаслигини тасдиқлайди.

Имзолар:

Раҳбар Ф.И.Ш. _____

Бош ҳисобчи (молия бўлими бошлиғи) Ф.И.Ш. _____

Ҳуқуқшунос Ф.И.Ш. _____

Мў.

ИШТИРОКЧИНИНГ БЛАНКАСИДА

ИШОНЧНОМА

2022 йил _ - ____ даги
_____ -сон

Харид комиссияси

Ушбу Ишоннома _____ ни (товар номи) етказиб бериш бўйича тендерда иштирок этувчи _____ га (иштирокчи номи ва манзили) берилган. _____ (ишлаб чиқарувчи номи), _____ да жойлашган (ишлаб чиқарувчининг тўлиқ манзилини киритинг) завод(лар)ига эга бўлган расмий компьютер ишлаб чиқарувчиси сифатида _____ га (иштирокчи номи) тендер таклифи беришига ишонч билдиради.

Ушбу Ишоннома билан биз томондан ишлаб чиқарилган _____ ни (товар номи) тақдим этиш ва етказиб бериш ваколати берилмоқда.

Агар _____ (иштирокчи номи) тендер ғолиби деб топилса, ишлаб чиқарувчи куйидаги мажбуриятларни ўз зиммасига олади:

- меъёрий-техник ҳужжатлар талабларига мувофиқ (халқаро стандартларга мувофиқ) товарлар ишлаб чиқариш;

- товарларни етказиб беришда сифат сертификатлари ва мувофиқлик сертификатларини тақдим этиш;

- товарларни етказиб беришда қабул килувчи учун техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш бўйича йўриқномалар, схемалар ва бошқа ҳужжатлар тақдим этиш.

Ишлаб чиқарувчининг раҳбари ёки ваколатли шахсининг имзоси ва Ф.И.Ш.

Мў.

ИШТИРОКЧИНИНГ БЛАНКАСИДА

_____ (тендер рақами ва предметини кўрсатинг) тендер савдолари бўйича

ТЕХНИК ТАКЛИФ

2022 йил _-____ даги
_____-сон

Харид комиссияси

Хурматли хонимлар ва жаноблар!

_____ ни (тендер предмети номи) етказиб бериш бўйича ____-сонли тендер савдолари ҳужжатларини ва сўровларимизга олинган жавобларни ўрганиб чиқиб, биз, қуйида имзо чекувчи _____ (тендер иштирокчиси номи), _____ (ишлаб чиқарувчини кўрсатинг) томонидан ишлаб чиқарилган _____ ни (таклиф этилаётган маҳсулот номини, бренд ёки моделини кўрсатинг) _____ миқдорида етказиб беришни таклиф қиламиз.

Биз ушбу техник таклифга тўлиқ риоя қилган ҳолда, тендер ғолиби билан тузиладиган шартнома бўйича товарларни етказиб бериш мажбуриятини оламиз.

Биз тендер таклифларини бериш муддатининг охириги санаси сифатида белгиланган кундан бошлаб 90 кун давомида ушбу таклиф шартларига риоя қилишга розимиз. Ушбу тендер таклифи биз учун мажбурий бўлиб қолади ва кўрсатилган муддат тугашидан олдин исталган вақтда қабул қилиниши мумкин.

Иловалар:

- ____ варақда таклиф этилаётган маҳсулотларнинг техник тавсифларининг қиёсий жадвали;

- товар ишлаб чиқарувчиси ишончномаси (6-сон шакл) ёки ишлаб чиқарувчидан авторизация хати (агар тендер иштирокчиси таклиф қилинаётган товарнинг ишлаб чиқарувчиси ҳисобланмаса);

- техник ҳужжатлар (брошюралар, техник маълумотлар варағи, фойдаланиш йўриқномалари ва бошқалар ёки таклиф қилинадиган маҳсулотнинг тўлиқ ва батафсил тавсифини ўз ичига олган бошқа ҳужжатлар).

(ваколатли шахс имзоси)

(ваколатли шахс лавозими ва Ф.И.Ш.)

М.Ў.

Сана: 20__ й. «__» _____

Таклиф этилаётган маҳсулотларнинг техник тавсифларининг қиёсий жадвали

Т/р	Параметр номи	Техник топшириқ талабларидаги кўрсаткич	Иштирокчининг таклифидаги кўрсаткич	Изоҳ (талабларга жавоб беради / талабларга жавоб бермайди)
<i>Тендер _____ (етказиб бериладиган товар номи)</i>				
1				
2				

Иштирокчи раҳбарининг ёки ваколатли шахснинг имзоси ва Ф.И.Ш.

МЎ.

Дастлабки малакавий баҳолашни ўтказиш тартиби ва мезонлари

(ушбу жадвал иштирокчиларнинг малакасига талаблар қўйилган ҳолларда тўлдирилади)

№	Мезонларнинг номи	Талабга жавоб беради /Талабга жавоб бермайди		
I.	Малакавий танлаш ҳужжатларнинг асослиги			
1	Харидларда иштирок этишга ариза-хат (1-сонли шакл), Харид иштирокчисининг умумий маълумоти (3-сонли шакл) мавжудлиги, Техник таклифли, Нарх таклифли мавжудлиги ва харид ҳужжатларига мос равишда тайёрланганлиги. Мос равишда мавжуд бўлмаса ва тақдим этилмаган бўлса иштирокчи ўтказилаётган харидлардан харид комиссияси томонидан четлаштирилади. 0 балл билан баҳоланади.			
2	Харид иштирокчисининг қайта ташкил этиш, тугатилиш ёки банкротлик босқичида эмаслиги, буюртмачи билан суд жараёни ёки арбитраж ҳолатида эмаслиги, инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида мавжуд эмаслиги, шунингдек илгари тузилган шартномалар бўйича зарур даражада бажарилмаган мажбуриятларнинг йўқлиги тўғрисида қафолат хати (___-сонли шакл). Агар тақдим этилмаган ёки тақдим этилган бўлса, лекин харид иштирокчиси қайта ташкил этиш, тугатилиш ёки банкротлик босқичида, буюртмачи билан суд жараёни ёки арбитраж ҳолатида, инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрига киритилган, шунингдек илгари тузилган шартномалар бўйича зарур даражада бажарилмаган мажбуриятлари бор бўлса, иштирокчи харид жараёнларидан четлатилади. 0 балл билан баҳоланади.			
3	Таъсисчилари битта юридик ва жисмоний шахс бўлган иштирокчилар. Агар бўлса, иштирокчи харидлардан четлатилади.0 балл билан баҳоланади.			
4	Иштирокчининг, шунингдек иштирокчи банкининг оффшор зоналарда рўйхатдан ўтказилганлиги. Агарда бўлса, иштирокчи харидлардан четлатилади. 0 балл билан баҳоланади.			
5	Бухгалтерия ҳисоботларини тақдим этилиши шарт. Иштирокчининг ваколатли орган томонидан тасдиқланган молиявий ҳолати тўғрисидаги маълумотлар. Агар тақдим этилмаган бўлса, иштирокчи харидлардан четлаштирилади. 0 балл билан баҳоланади.			
6	Харид иштирокчисининг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлардан қарздорлиги мавжуд эмаслиги тўғрисида солиқ органидан олинган маълумотнома. Агар тақдим этилмаган ёки тақдим этилган бўлса, лекин харид иштирокчиси бўйича бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалар олдида қарздорлик аниқланса 0 балл билан баҳоланади.			
7	Харид таклифининг қайтарилмаслигини таъминлайдиган бўнак тўловнинг мавжудлиги. Бўнак тўлови ҳужжат топшириш охириг муддатигача тўланиша шарт. Агар йўқ бўлса, иштирокчи ўтказилаётган харидлардан четлатилади. 0 балл билан баҳоланади.			
8	Харид иштирокчиси томонидан товар намунасининг топширганлиги ҳужжат. Топширилган товар намунасининг ҳужжатлари топшириш охириг муддатигача расмийлаштирилиши шарт. Агар йўқ бўлса, иштирокчи ўтказилаётган харидлардан четлатилади. 0 балл билан баҳоланади.			
		Балл мезонларга асосан	Баҳолаш (баллар)	Изоҳ
Дастлабки малакавий баҳолаш мезонлари				
1	Ташкилот (компания) ташкил топган вақти	5		
<i>a</i>	<i>5 йилдан кўп</i>	5		

<i>б</i>	<i>3 йилдан кўп</i>	<i>2</i>		
<i>в</i>	<i>6 ойдан кам</i>	<i>0</i>		
2	Корхонанинг ишлаб чиқариш биноси мавжудлиги ёки ижара шартномаси асосидалиги тўғрисида (кв. м)	10		
<i>а</i>	<i>ишлаб чиқариш майдони 3000 кв. м кўп:</i>	<i>10</i>		
<i>б</i>	<i>ишлаб чиқариш майдони 1000 кв. м кўп/ ёки кам:</i>	<i>2</i>		
<i>в</i>	<i>ишлаб чиқариш майдони йўқ</i>	<i>0</i>		
3	Ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми (2019- 2021 йилларда)	5		
<i>а</i>	<i>ишлаб чиқарилган ҳажми 3 йилда 10 млрд. сўмдан кўп</i>	<i>5</i>		
<i>б</i>	<i>ишлаб чиқарилган ҳажми 3 йилда 5 млрд. сўмдан кўп/ ёки кам</i>	<i>3</i>		
	Жами:	20	0	

ТЕХНИК ҚИСМ

3-илова

Тендер таклифининг техник қисмини баҳолаш:

3-сон жадвал

№	Баҳолаш мезонлари	Максимал балл	Дарслик, машқ дафтари, ўқитувчи методик қўлланмасига қўйилган талаблар	Баллар тақсимоти
	Умумий балл			50
1.	Дарслик, машқ дафтари, ўқитувчи методик қўлланмаси ўлчами, ҳажми ва матн қоғози			
	Жами балл			30
1.1.	Дарслик, машқ дафтари, ўқитувчи методик қўлланмасида матн учун ишлатилган қоғоз оғирлигининг Умумий техник регламент, санитария қоидалари, стандарт талабларига ва техник тафсилотларига мувофиқлиги	10	А) Тўлиқ жавоб беради (эксперт гуруҳларнинг хулосалари асосида).	10
Б) Матн учун ишлатилган қоғоз оғирлиги қисман жавоб берилиши, бунда умумий техник регламент бўйича айрим ноаниқликлар (погрешности) (эксперт гуруҳларнинг хулосалари асосида).			5	
В) Катта хатоликларга йўл қўйилганда, жавоб бермайди (эксперт гуруҳларнинг хулосалари асосида).			0	
1.2.	Дарслик, машқ дафтари, ўқитувчи методик қўлланмасида матн учун ишлатилган қоғоз оқлигининг умумий техник регламент, санитария қоидалари, стандарт талабларига ва техник тафсилотларига мувофиқлиги	10	А) Тўлиқ жавоб беради (эксперт гуруҳларнинг хулосалари асосида).	10
Б) Матн учун ишлатилган қоғоз оқлиги қисман жавоб берилиши, бунда умумий техник регламент бўйича айрим ноаниқликлар (погрешности) (эксперт гуруҳларнинг хулосалари асосида).			5	
В) Катта хатоликларга йўл қўйилганда, жавоб бермайди (эксперт гуруҳларнинг хулосалари асосида).			0	
1.3.	Дарслик, машқ дафтари, ўқитувчи методик қўлланмаси блокнинг уч томондан тўғри ва текис қирқилганлиги	10	А) Тўлиқ жавоб беради (эксперт гуруҳларнинг хулосалари асосида).	10
Б) Блокнинг уч томондан тўғри ва текис қирқилганлиги қисман жавоб берилиши, бунда умумий техник регламент бўйича айрим ноаниқликлар (погрешности) (эксперт гуруҳларнинг хулосалари асосида).			5	
В) Катта хатоликларга йўл қўйилганда, жавоб бермайди (эксперт гуруҳларнинг хулосалари асосида).			0	
2.	Дарслик муқоваси			
	Жами балл			10
2.1.	Дарслик, машқ дафтари, ўқитувчи методик қўлланмаси	10	А) Тўлиқ жавоб беради (эксперт гуруҳларнинг хулосалари асосида).	5

	муқовасида қўлланилган қоғознинг Умумий техник регламент, стандарт талабларига ва техник тафсилотларига мувофиқлиги		Б) Муқовасида қўлланилган қоғози қисман жавоб берилиши, бунда умумий техник регламент бўйича айрим ноаниқликлар (погрешности) (эксперт гуруҳларнинг хулосалари асосида).	2
			В) Катта хатоликларга йўл қўйилганда, жавоб бермайди (эксперт гуруҳларнинг хулосалари асосида).	0
2.2.	Дарслик, машқ дафтари, ўқитувчи методик қўлланмаси муқовасида қўлланилган пленка ва бошқанинг Умумий техник регламент, стандарт талабларига ва техник тафсилотларига мувофиқлиги	5	А) Тўлиқ жавоб беради (эксперт гуруҳларнинг хулосалари асосида).	5
			Б) Муқовасида қўлланилган пленкаси қисман жавоб берилиши, бунда умумий техник регламент бўйича айрим ноаниқликлар (погрешности) (эксперт гуруҳларнинг хулосалари асосида).	2
			В) Катта хатоликларга йўл қўйилганда, жавоб бермайди (эксперт гуруҳларнинг хулосалари асосида).	0
3.	Дарслик матнининг муқовага бириктирилиши			
	Жами балл			10
3.1.	Дарслик, машқ дафтари, ўқитувчи методик қўлланмаси блокининг муқовага бириктирилишининг Умумий техник регламент, стандарт талабларига мувофиқлиги	10	А) Тўлиқ жавоб беради (эксперт гуруҳларнинг хулосалари асосида).	10
			Б) Методик қўлланмаси блокининг муқовага бириктирилиши қисман жавоб берилиши, бунда умумий техник регламент бўйича айрим ноаниқликлар (погрешности) (эксперт гуруҳларнинг хулосалари асосида).	5
			В) Катта хатоликларга йўл қўйилганда, жавоб бермайди (эксперт гуруҳларнинг хулосалари асосида).	0

Агар дарслик, машқ дафтари, ўқитувчи методик қўлланма нашр ва матбаа ижроси жиҳатидан белгиланган умумий максимал баллнинг 31 баллдан кам олса, у ҳолда бундай дарслик, машқ дафтари, ўқитувчи методик қўлланма рад этилади ва уларнинг нарх таклифлари очилмасдан ўз иштирокчисига қайтарилади. Малакавий ва техник таклифларни баҳолашдан ўтган энг яхши талабгорлар таклифлари умумий 70 балл ҳисобида баҳоланади.

2022-2023 ўқув йилига умумий ўрта таълим ташкилотлари учун нашр этилиши режалаштирилган Кэмбридж университети нашриётининг 7-11 синф инглиз тили фанидан дарсликлар ва ўқув-методик мажмуаларни харид қилиш бўйича

ТЕХНИК ТОПШИРИҒИ

№	Асосий маълумотлар ва талаблар рўйхати	Асосий маълумотлар ва талабларнинг мазмуни
1	Буюртмачи	Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги
2	Товарларнинг тавсифи	1-илова асосида
3	Товарларни сотиб олиш мақсади	Халқ таълими вазирлиги тизимидаги умумтаълим мактабларини дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмалар билан таъминлаш.
4	Товарларнинг талаб этиладиган техник тавсифлари	1-илова асосида
5	Ўлчовлар, кадоқлаш товарларни жўнатиш учун талаблар	Товарлар заводлар стандартларига мувофиқ кадоқланиши лозим (ёғочли қутилар, картон қутилар ёки мижознинг хошишига кўра бошқа шаклларда кадоқланади. Йўлда бир нечта марта ортилиши инobatга олиниши керак. Ишлаб чиқарувчининг халқаро НТД стандартларига мувофиқ.
6	Қабул қилиш ва топшириш тартиби	Халқ таълими вазирининг 2021 йил 22 июндаги 190-сон буйруғи асосида амалга оширилади.
7	Товарлар билан берилadиган хужжатлар ва сарф материалларининг зарур миқдори	Товарларни сифат кафолати ва улар билан бирга берилadиган хужжатлар (мувофиқлик сертификати, санитария-эпидемиология хулосаси ёки мажбурий сертификатга лойиқмаслиги бўйича эксперт хулосаси ва бошқалар) асосида амалга оширилади.
8	Кафолат ва кафолатдан кейинги хизматда қўйилadиган талаблар (муддати ва жойи)	<p>Дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмалар сифатига берилadиган кафолат муддати умумтаълим муассасасининг ўқувчилари мазкур дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмалардан фойдаланишни бошлаган санадан 60 (олтмиш) календарь кун давомида амал қилади.</p> <p>Буюртмачи кафолат муддати даврида дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмалардан хато-камчиликлар ёки нуқсонларни топса ижрочига ёзма хабар беради.</p> <p>Ижрочи буюртмачининг ёзма хабарномасини олгач, 30 (ўттиз) календарь кун ичида нуқсони бор бўлган дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмаларни ўз ҳисобидан бошқа худди шундай дарсликларга алмаштиради ва шу ишлар билан боғлиқ бўлган барча харажатлар дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмаларни “Транспорт ва логистика хизмати” ДУКнинг Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоятлар филиалларига қадар етказиш ва нуқсони бор бўлган дарсликларни улардан қайтариб олиб келиш)ни ўз ҳисобидан қоплайди.</p>
9	Товарларни ишлаб чиқариш/ишлаб чиқариш йилига қўйилган талаблар	2022 йилдан олдин бўлмаслиги керак

ТЕХНИК ҚИСМ

2022-2023 ўқув йилига умумий ўрта таълим ташкилотлари учун нашр этилиши режалаштирилган Кэмбридж университети нашриётининг 7-11 синф инглиз тили фанидан дарсликлар ва ўқув-методик мажмуаларининг техник тафсилотлари

Т/р	Ном да	Дарслик ва ўқув-методик мажмуа номи	Син фи	Мажмуа номи	Таълим тили	Бичими (см.)	Муқова ранги	Матн ранги	Ҳажми (бети)	Муқова учун ишлатиладиган қоғоз	Матн учун ишлатиладиган қоғоз	Шаффоф эмаслиги	Муқовалаш усули	Адади
ЛОТ №1														
1	1	Инглиз тили	7	дарслик	барча тилларда	60x90 1/8 22,5x30,0	4+1	4+4	88	Оғирлиги 190-235 g/m ² ли муқова қоғози (целлюлоза картони, офсет турлари) дан юмшоқ муқова ишланади ва полиэтилен пленка билан ламирланади.	Ўқувчи кўзини чарчатмайдиган, вазни энгил, оғирлиги 60-80 g/m ² ли ва оклиги 84% дан кам бўлмаган (пухляя бумага, пухлость 1,6-2.0, офсет) қоғоз турларидан фойдаланилади.	84% дан кам бўлмаган	Камида 5 та чок билан тикилган китобнинг босма тобоқлари ўзаро бирлаштирилади, корешок ҳосил қилиниб, 2 томони биговкалари тўлиқ муқовага елимланади. Муқованинг орқа ва олд томонларидан 5-6 миллиметрли биговка ташланади. Китоб уч томонидан тўғри ва текис қирқилади.	689 886
2	2	Инглиз тили (машқ дафтари)	7	машқ дафтари	барча тилларда	60x90 1/8 22,5x30,0	4+1	1+1	48	Оғирлиги 190-235 g/m ² ли муқова қоғози (целлюлоза картони, офсет ва бошқа турлари) дан юмшоқ муқова ишланади.	Ўқувчи кўзини чарчатмайдиган, вазни энгил, оғирлиги 60,0±3,0 g/m ² дан ва оклиги 84%дан кам бўлмаган (пухляя бумага, пухлость 1,6-2.0) қоғоз турларидан фойдаланилади.	84% дан кам бўлмаган	Иккита зангламас металл сим билан икки томондан бири-бирига бирлаштирилади. Уч томондан тўғри ва текис қирқилади.	638 262
3	3	Инглиз тили (методик қўлланма)	7	методика	барча тилларда	60x90 1/8 22,5x30,0	4+1	4+4	152	Оғирлиги 190-235 g/m ² ли муқова қоғози (целлюлоза картони, офсет турлари) дан юмшоқ муқова ишланади ва полиэтилен пленка билан ламирланади.	Вазни энгил, оғирлиги 60,0±3,0 g/m ² дан ва оклиги 84%дан кам бўлмаган (пухляя бумага, пухлость 1,6-2.0) қоғоз турларидан фойдаланилади.	84% дан кам бўлмаган	Камида 5 та чок билан тикилган китобнинг босма тобоқлари ўзаро бирлаштирилади, корешок ҳосил қилиниб, 2 томони биговкалари тўлиқ муқовага елимланади. Муқованинг орқа ва олд томонларидан 5-6 миллиметрли биговка ташланади. Китоб уч томонидан тўғри ва текис қирқилади.	23 947

*Транспорт ва логистика хизмати” ДУК томонидан тайёр маҳсулотлар олиб чиқиб кетилади.

ТАКЛИФЛАРНИНГ НАРХ ҚИСМИНИ КЎРИБ ЧИҚИШ

Харид комиссияси томонидан биринчи босқич (техник баҳолаш) ўтказилгандан сўнг таклифларнинг нарх қисмига ўтказилади.

Тендерда хорижий етказиб берувчилар билан бирга икки ёки ундан ортиқ иштирокчилар – маҳаллий ишлаб чиқарувчилар бўлган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 29 январдаги 41-сонли қарорига мувофиқ маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга нисбатан нарх преференцияси қўлланилади.

Тендер таклифининг нарх қисмини баҳолаш

4-сон жадвал

№	Мезон	Оценка	Примечание
1	Энг паст нарх	Энг паст нарх – 30 балл	Нархларнинг энг паст нархга фоиз сифатида ўсиши, энг паст нарх пунктлари учун боғланганлар сонининг боғлиқ равишда пасайиши сифатида баҳоланади

Тендер ҳужжатларида ва таклифда кўрсатилган мезонлар асосида шартномани бажаришнинг энг яхши шартларини таклиф қилган тендер иштирокчиси галиб деб топилади.

**Техник қисми эксперт гуруҳлари томонидан балланилади, Харид комиссиясига киритилади. Бунда энг юқори балл олган иштирокчи галиб деб топилади.*

**2022-2023 ўқув йилига умумий ўрта таълим ташкилотлари учун нашр этилиши режалаштирилган Кэмбридж университети
нашриётининг 7-11 синф инглиз тили фанидан дарсликлар ва ўқув-методик мажмуаларининг техник тафсилотлари асосида
таклиф этилган нархлар**

Т/р	Ном да	Дарслик ва ўқув-методик мажмуа номи	Син фи	Мажмуа номи	Таълим тили	Бичими (см.)	Мукова ранги	Матн ранги	Ҳажми (бети)	Адади	Энг паст нарх	Умумий суммаси	1% задаткаси
ЛОТ №1													
1	1	Инглиз тили	7	дарслик	барча тилларда	60x90 1/8 22,5x30,0	4+1	4+4	88	689 886	15 760	10 872 603 360	165 037 939,64
2	2	Инглиз тили (машқ дафтари)	7	машқ дафтари	барча тилларда	60x90 1/8 22,5x30,0	4+1	1+1	48	638 262	7 860	5 016 739 320	
3	3	Инглиз тили (методик қўлланма)	7	методика	барча тилларда	60x90 1/8 22,5x30,0	4+1	4+4	152	23 947	25 659	614 451 284	
		ЖАМИ:										16 503 793 963,60	

Тендер ҳужжатларида ва таклифда кўрсатилган мезонлар асосида шартномани бажаришнинг энг яхши шартларини таклиф қилган тендер иштирокчиси голиб деб топилади.

*Голиб бўлган корхона шартнома тузишдан бош тортса / ва ёки тендер савдолари ўтказилаётган жараёнида иштирок этишдан бош тортган тақдирда Буюртмачининг ҳисоб рақамига 1% закат микдорини тўлаши зарур:

Банк реквизити:

Манзил: Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, 13-даҳа, 49-б уй.

Тел: (+99855) 501-33-13, 501-33-70, СТИР: 200 524 742, ОКЭД: 49410

Счет: 20210000700101561002 АТБ Ипотекабанк Меҳнат филиал МФО 00423.

_____сонли лот _____-сонли

ШАРТНОМА

Тошкент шаҳри

“ _____ ” _____ 2022 й.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги (бундан буён матнда **Буюртмачи** деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 19 февралдаги 146-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тўғрисидаги Низом асосида иш юритувчи _____ шахсида, бир томондан ва _____, (бундан буён матнда **Ижрочи** деб юритилади) _____ асосида иш юритувчи _____ шахсида, иккинчи томондан (бундан буён матнда алоҳида қўлланганда **Томон** ва биргаликда қўлланганда **Томонлар** деб юритилади) мазкур шарт номани тендер комиссиясининг 2022 йил “ _____ ” даги дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмаларни харид қилишда ўтказилган “ _____ ”-сонли йиғилиш баёнига мувофиқ қуйидагилар ҳақида тузишди:

I. Шартноманинг предмети

1.1. Ижрочи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ умумтаълим муассасалари учун мазкур шартноманинг 1.2-бандида кўрсатилган дарсликлар, дафтарлар ва ўқув методик қўлланмалар (бундан буён матнда **дарсликлар** деб юритилади)ни шартноманинг шартлари асосида чоп этиш хизматларини кўрсатиш (бундан буён матнда **чоп этиш** деб юритилади) мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Ижрочининг ҳисоб-рақамига бажарилган ишлар учун мазкур шартнома шартларига мувофиқ маблағни ўтказиб бериш мажбуриятини олади.

1.2. Мазкур шартномага асосан Ижрочи шартноманинг иловасида келтирилган дарсликларнинг техник тафсилотларига мувофиқ қуйидаги дарсликларни чоп этади:

Т/р	Дарсликларнинг номи	Синфи	Таълим тили	Адади	Бир донасининг нархи ҚҚС билан	Умумий суммаси
1						
2						
3						
4						
5						
6						
7						
жами:						

II. Шартноманинг умумий суммаси ва тўлов шартлари

2.1. Мазкур шартноманинг умумий суммаси **ҚҚС билан** _____ (_____ **сўм** ___ **тийин**) сўмга тенг (бундан буён матнда **шартнома суммаси** деб юритилади).

2.2. Шартнома суммаси дарсликларни чоп этиш (оригинал макетдан тайёр маҳсулот - дарслик ҳолатига келтириш) харажатларини ўз ичига олади.

2.3. Буюртмачи шартнома кучга кирган вақтдан бошлаб 30 (ўттиз) календар кун мобайнида ижрочининг банк ҳисоб рақамига шартнома суммасининг 50 (эллик) фоиз миқдорини олдиндан тўлаб бериши лозим.

2.4. Шартнома суммасининг қолган қисмини дарсликларни етказиб берувчи ташкилот томонидан мазкур дарсликларни ижрочининг омборидан олиб чиқиб кетгандан сўнг, тақдим этилган ҳисоб-фактура ҳамда топшириш ва қабул қилиш далолатномаларига асосан, аванс тўловларини чегириб қолган ҳолда, 60 (олтмиш) календар кун ичида буюртмачи томонидан ижрочига тўлаб берилади.

2.5. Тузилган шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш кафолати сифатида Ижрочи томонидан Буюртмачининг шахсий ғазначилик ҳисобварағига банк кафолати ёки пул маблағлари кўринишида шартнома суммасининг 1 (бир) фоиз миқдорида мажбуриятни бажарилишини таъминлаши шарт.

2.6. Ижрочи шартнома шартларини тўлиқ бажармаганда, буюртмачи томонидан унга нисбатан мазкур шартномага мувофиқ ҳисобланадиган неустойкалар (жарима, пеня) ижрочини ёзма равишда огоҳлантириб, шартноманинг умумий суммасидан ушлаб қолинади.

III. Ижрочининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

3.1. Ижрочининг ҳуқуқлари қуйидагилардан иборат:

3.1.1. Буюртмачидан техник тафсилотларни ўз вақтида олиш, улар юзасидан аниқлаштирувчи маълумотларни сўраб олиш;

3.1.2. Бажарилган ишлар учун ўз вақтида тўловни амалга оширилишини талаб қилиш;

3.1.3. Шартнома мажбуриятларини бажармаганлиги учун буюртмачини ўрнатилган тартибда жавобгарликка тортишни талаб қилиш.

3.1.4. Ижрочи буюртмачи мурожаати ёки бозор иштирокчилари талабларига биноан мазкур шартномада кўрсатилган дарсликларнинг умумий ададига қўшимча равишда 10% гача миқдорда ўз ҳисобидан чоп этиши ва бозор нархларида сотиш ҳуқуқига эга.

3.2. Ижрочининг мажбуриятлари қуйидагилардан иборат:

3.2.1. Дарсликларни мазкур шартноманинг иловаси билан тасдиқланган дарсликларнинг техник тафсилотлари асосида чоп этиш (ижрочи ўзи мустақил равишда шартномада белгиланган ададдан ортиқча чоп этиши тақиқланади);

Бунда, ижрочи оригинал макетларни ўрнатилган тартибда (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 ноябрдаги ПҚ-4884-сон, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 26 февралдаги 108-сон қарорларига мувофиқ оригинал макетларни тайёрлашга ваколатли бўлган Республика таълим марказидан ишчи (исходный) файлларини электрон шаклда) олган ҳолда чоп этишга руҳсат олиш учун Буюртмачига дарсликларнинг 3 (уч) та рангли сигнал нусхасини тасдиқланган ҳолда топшириш;

(Изоҳ: Тасдиқлаш – нашрга тайёр бўлган дарсликларнинг оригинал ва таржима макетларини муаллиф(лар), муҳаррир (бош муҳаррир), мусаҳҳих, таржимон, бадиий муҳаррир, бош рассом-дизайнер, техник-муҳаррир, Республика таълим маркази директори ва унинг ўринбосарлари, Республика таълим марказининг нашр ишлари бўйича бўлим бошлиғи, тегишли бўлим бошлиқлари ва методист-мутахассислари, экспертлар ҳамда ижрочининг раҳбарлари ва тегишли масъул ходимлари томонидан кўриб чиқилиб, имзолари қўйилган ҳолда тасдиқланиб, чоп этиши учун буюртмачига тақдим этиши.

Ушбу тартибда тасдиқланмаган дарсликларни чоп этиши мумкин эмас. Томонлар ўз мутахассисларининг имзоларини қўйилишини таъминлайди.)

3.2.2. Дарсликлар учун ишлатиладиган қоғоз ва бошқа хом-ашёларининг сифати ва унинг дизайни амалдаги қонун ҳужжатлари талаблари ва меъёрларига жавоб беришини таъминлаш;

3.2.3. Дарсликларни белгиланган (мазкур шартноманинг 5.1.-бандида кўрсатилган) муддат(лар)да тўлиқ чоп этиш.

3.2.4. Дарсликлар матбаа сифатини текшириш бўйича эксперт гуруҳини тегишли барча маълумотлар билан таъминлаш ва текшириш ўтказишда қатнашиш учун ўз вақилини тайинлаш;

3.2.5. Мазкур шартномага мувофиқ дарсликлар сифатини текшириш бўйича эксперт гуруҳи томонидан камчиликлари аниқланган дарсликларни шартноманинг иловасида келтирилган техник тафсилотларга тўлиқ жавоб берадиган сифатдаги дарсликларга 15 (ўн беш) иш куни ичида алмаштириш;

3.2.6. Буюртмачи томонидан текширишда аниқланган хато ва камчиликларни тўлиқ тузатиши лозим. Дарсликлардаги аниқланган хато ва камчиликлар тузатилмасдан чоп этилганда, жавобгарлик ижрочи зиммасига юклатилади.

IV. Буюртмачининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

4.1. Буюртмачининг ҳуқуқлари қуйидагилардан иборат:

4.1.1. Шартномани амал қилиш муддатида ижрочидан дарсликларни чоп этиш жараёни ҳақида маълумотлар олиш;

4.1.2. Ўз вакиллари орқали ижрочининг фаолиятига аралашмаган ҳолда амалга оширилаётган ишларни мониторинг қилиш, чоп этиш жараёнида маҳсулот қисмларининг тайёрланиши бўйича матбаа сифатини назорат қилиш, бу жараёнда камчилик ва нуқсонлар аниқланган тақдирда, ушбу камчилик ва нуқсонларни тузатиш (бартараф этиш) бўйича ижрочини ёзма равишда огоҳлантириш;

4.1.3. Ўрнатилган сифат ва техник талабларга мос келмаган дарсликларни қабул қилмаслик, уларни шартномада белгиланган талабларга мувофиқ дарсликларга алмаштиришни талаб қилиш;

4.1.4. Шартнома мажбуриятларини бажармаганлиги учун ижрочини ўрнатилган тартибда жавобгарликка тортиш.

4.1.5. Буюртмачи Республика бўйича ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан дарсликларни эркин сотиб олиш учун кенг имкониятлар яратиш мақсадида Ижрочига мазкур шартномада кўрсатилган дарсликларнинг умумий ададига қўшимча равишда 10% гача миқдорда ўз ҳисобидан чоп этиши ва бозор нархларида сотиш юзасидан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

4.2. Буюртмачининг мажбуриятлари қуйидагилардан иборат:

4.2.1. Ижрочи томонидан тасдиқлаш учун топширилган дарсликларнинг сигнал намунасини 5 (беш) иш куни мобайнида кўриб чиқиб, ўз фикрини билдириш дарсликларни чоп этишга рухсат бериш ёки тегишли ўзгартиришларни киритишни таклиф этиш);

4.2.2. Ижрочининг ёзма хабарномаси ва Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати экспертнинг шартномада белгиланган дарсликнинг санитария-гигиена талабларига жавоб бериши тўғрисида ижобий хулосани олган кундан бошлаб 3 (уч) иш куни ичида дарсликлар сифатини текшириш бўйича эксперт гуруҳини тайёр дарсликлар сифатини текшириш учун юбориш;

4.2.3. Дарсликлар тайёр эканлигини тасдиқловчи ҳужжатларни (дарсликлар сифатини текшириш эксперт гуруҳининг далолатномаси ва ижобий хулосасини) олган кундан бошлаб, 10 (ўн) иш куни ичида ижрочи омборхонасидан олиб кетиш чораларини кўриш.

V. Тайёр дарсликларни текшириш, етказиб бериш тартиби ва муддати

5.1. Ижрочи шартномада кўрсатилган дарсликларни шартноманинг 2.3.-бандида кўрсатилган миқдорда олдиндан тўлаб берилгандан сўнг 60 календарь кун муддатда тайёрлаши шарт.

5.2. Дарсликлар жўнатишга тайёр бўлганда ижрочи буюртмачига тайёр дарсликлар ҳақида тўлиқ ёзма маълумот юбориши ва унда дарсликларнинг номи, адади, таълим тили, шартнома рақами, партия (завод) рақами, 1 дона дарсликнинг оғирлиги (граммда) аниқ кўрсатилиши шарт. Мазкур ёзма маълумот шартноманинг 5.1.-бандида кўрсатилган муддатда, лекин ушбу муддатлар тугашидан камида 3 (уч) иш куни олдин юборилиши шарт.

5.3. Ижрочидан ёзма маълумот олинганидан сўнг, буюртмачи дарсликлар сифатини текшириш бўйича эксперт гуруҳини (кейинги ўринларда эксперт гуруҳи деб аталади) дарсликларни мазкур шартнома шартларига мослигини текшириш учун юборади.

5.4. Текшириш ижрочи корхонаси ёки омборида ва охириги етказиб берилиши лозим бўлган жойда амалга оширилади.

5.5. Дарсликлар матбаа ижроси талабларига мослиги, уларнинг сифатини текшириш бўйича эксперт гуруҳи томонидан дарсликларнинг мазкур шартномада белгиланган техник тафсилотлар (техник, дизайн ва спецификация талаблари)га мослиги ҳамда матбаа сифати (босма ва муқовалаш) жиҳатдан буюртмачи томонидан кўйилган талабларга жавоб бериш-бермаслигини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 3 июндаги “Таълим муассасалари учун хавфсиз полиграфия маҳсулотлари ҳақидаги умумий техник регламентни тасдиқлаш тўғрисида”ги 146-сон қарорига мувофиқ танлаб олиш усули билан текширилади. Танлаб олиш ҳажми, қабул қилишга ва яроқсизликка (браковкага) оид сонлар мазкур қарор бўйича аниқланади.

5.6. Эксперт гуруҳининг 5.5. бандда назарда тутилган текширишлар натижаси эксперт гуруҳининг маҳсулот сифати ва сонини текшириш далолатномаси билан расмийлаштирилади. Далолатномада дарсликларнинг техник тафсилотлари, сифати ва сонига кўйилган талабларга мувофиқлиги акс эттирилади.

5.7. Маҳсулот сифати ва сонини текшириш далолатномасида мазкур шартномада белгиланган техник тафсилотлар, стандарт талабларига мувофиқ эмаслиги, шунингдек бошқа камчиликлар қайд этилганда эксперт гуруҳи ўз хулосасини мазкур далолатномада акс эттиради.

5.8. Эксперт гуруҳи хулосасига асосан Вазирлар Маҳкамасининг 146-сон қарори талаблари ҳамда шартноманинг иловасида келтирилган техник тафсилотлар га жавоб бермаган, ижрочи айби билан йўл кўйилган техник, матбаа сифатига доир хато ва нуқсонлар мавжуд бўлган дарсликлар буюртмачи томонидан қабул қилинмайди ва партия қайтарилади.

VI. Дарсликларни қабул қилиш тартиби ва дарсликларга

бўлган мутлақ муаллифлик (ноширлик) ҳуқуқларининг буюртмачига ўтиши

6.1. Дарсликларни қабул қилиш жойлардаги умумтаълим муассасаларида ўрнатилган тартибда тузилган дарсликларни қабул қилиш комиссияси томонидан амалга оширилади.

6.2. Қабул қилиш комиссияси дарсликларда матбаа сифати орфографик, пунктуацион, грамматик, стилистик хатолари бўйича камчилик ва нуқсонлар бўлмаган тақдирда, 3 (уч) кун муддат ичида сифатли дарсликларни топшириш-қабул қилиш далолатномасига асосан қабул қилиши лозим.

6.3. Дарсликларга бўлган мутлақ муаллифлик (ноширлик) ҳуқуқлари буюртмачига ўрнатилган тартибда ўтади.

VII. Бутлаш (упаковка) ва тегишли ҳужжатлар тақдим этиш

7.1. Ижрочи дарсликларни бутлашда мазкур шартномада кўрсатилган бутлаш шартларига тўлиқ амал қилиши шарт. Дарсликларни бутлаш иши амалдаги стандарт талабларга мувофиқ ҳолда бўлиб, уни жойларга етказиш жараёнида (ортиш, тушириш, ташиш) бутланган дарсликлар титилиб кетмаслиги керак. Дарсликлар солинган ўрамларнинг ҳажми ва оғирлиги ташиш ва кўтаришга қулай бўлиши лозим.

7.2. Ҳар бир ўрамнинг устки қисмида дарсликларнинг номи, адади, таълим тили, синфи, шартнома рақами, партия (завод) рақами, 1 дона дарсликнинг оғирлиги (граммда) тўғрисидаги маълумотлар бўлиши шарт.

VIII. Кафолатлар

8.1. Ижрочи шартномага мувофиқ етказиб бераётган дарсликлар амалдаги қонун ҳужжатлари талаблари ҳамда дарсликларнинг техник тафсилотларида келтирилган барча талабларга тўлиқ жавоб беришини кафолатлайди.

8.2. Дарсликлар сифатига бериладиган кафолат муддати умумтаълим муассасасининг ўқувчилари мазкур дарсликлардан фойдаланишни бошлаган санадан 60 (олтмиш) календарь кун давомида амал қилади.

8.3. Буюртмачи кафолат муддати даврида дарсликлардан хато-камчиликлар ёки нуқсонларни топса ижрочига ёзма хабар беради.

8.4. Ижрочи буюртмачининг ёзма хабарномасини олгач, 30 (ўттиз) календарь кун ичида нуқсони бор бўлган дарсликларни ўз ҳисобидан бошқа худди шундай дарсликларга алмаштиради ва шу ишлар билан боғлиқ бўлган барча харажатлар (дарсликларни “Транспорт ва логистика хизмати” ДУКнинг Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоятлар филиалларига қадар етказиш ва нуқсони бор бўлган дарсликларни улардан қайтариб олиб келиш)ни ўз ҳисобидан қоплайди.

IX. Форс-мажор ҳолатлари

9.1. Томонлар ўз мажбуриятларини бажармаслиги ёки лозим даражада бажармаслигига форс-мажор ҳолатлар (форс-мажор ҳолатлари - томонларнинг иродаси ва фаолиятларига боғлиқ бўлмаган табиат ҳодисалари (зилзила, кўчки, бўрон, қурғоқчилик, ёнғин, сув тошқини, эпидемия, карантин ва бошқалар) ёки ижтимоий-иқтисодий ҳолатлар (уруш ҳолати, қамал, фуқаро тартибсизликлари, эмбарго ва бошқалар) сабабли юзага келган шароитларда томонларга қабул қилинган мажбуриятларни бажариш имконини бермайдиган фавқулодда, олдини олиб бўлмайдиган ва қутилмаган ҳолатлар) сабаб бўлса жавобгарликдан озод қилинадилар.

9.2. Агар форс-мажор ҳолатлари пайдо бўлса томонлар бир-бирларини ўз вақтида ёзма равишда ушбу ҳолатлар ва уларнинг келиб чиқиш сабаблари тўғрисида форс-мажор ҳолатлар пайдо бўлган кундан бошлаб 3 (уч) календарь кун ичида огоҳ қилишлари шарт. Томонлар бир-бирларига ёзма хабарнома юбориб, шартнома шартларини бажаришнинг бошқа усулларини кидириб, форс-мажор ҳолати тўсқинлик қилмаётган мажбуриятларни бажаришда давом этадилар.

X. Ўзтирозлар ва томонларнинг мулкий жавобгарлиги

10.1. Буюртмачи мазкур шартномада кўрсатилган ижрочининг мажбуриятлари ва кафолатларига тегишли бўлган ҳар қандай ўзтирозларни ижрочига ёзма равишда бериши керак.

10.2. Агар ижрочи дарсликларнинг талабга жавоб бермаслиги ҳақидаги хабарномани олгандан сўнг уни бошқаси билан алмаштиришни ўз вақтида амалга оширмаса, буюртмачи ижрочини ўрнатилган тартибда мулкий жавобгарликка тортиш ҳуқуқига эга.

10.3. Ижрочи мазкур шартноманинг 5.1.-бандида кўрсатилган муддатларда чоп эта олмаса ҳар бир кечиктирилган кун учун чоп этилмаган дарсликлар қийматидан 0,4 (ноль бутун ўндан тўрт) фоиз миқдорида буюртмачига пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси чоп этиб берилмаган дарсликлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим.

10.4. Буюртмачи чоп этиб берилган китоблар учун ўз вақтида тўловни амалга оширмаган ҳолларда ҳар бир кечиктирилган кун учун тўланмаган сумманинг 0,4 (ноль бутун ўндан тўрт) фоизи, лекин кечиктирилган тўловнинг 50 (эллик) фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тўлайди.

10.5. Ижрочи дарсликларда мазкур шартноманинг 3.2-бандида белгиланган талабларнинг биронтасини бузилишига йўл қўйса, шу хатоларни тузатишга кетадиган харажат қийматини тўлиқ қоплайди ва буюртмачи ижрочидан етказилган зарарнинг 20 фоизигача жарима ундириб олишга, агар дарсликлар ҳақи тўлаб қўйилган бўлса, тўланган суммани белгиланган тартибда қайтаришни талаб қилишга ҳақлидир.

10.6. Мазкур шартномада кўзда тутилмаган ҳолатларда томонларнинг жавобгарлиги Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонунига асосан тартибга солинади.

XI. Шартномани бекор қилиш

11.1. Шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки бекор қилиш фақат томонларнинг ўзаро келишувига асосан ёзма шаклда амалга оширилади.

11.2. Қуйидаги ҳолатларда тарафлар ўз мажбуриятларини қўпол равишда бузган ҳисобланади:

11.2.1. Мажбуриятларининг бажарилишини мазкур шартномада белгиланган муддатлардан кечиктирган ҳолда бажарса;

11.2.2. Тарафлар ёки тараф ўзининг мазкур шартномада белгиланган мажбуриятларидан бирортасини бажара олмаса.

11.3. Агар ижрочи банкротликка юз тутса, буюртмачи исталган вақтда ижрочига ёзма хабар бериш орқали шартномани бекор қилиши мумкин ва ушбу ҳолатда буюртмачи ижрочининг кўрган зиёнини тўламайди.

XII. Низоларни ҳал қилиш тартиби

12.1. Мазкур шартномада ёки унга боғлиқ масалалар юзасидан келиб чиқадиган барча низолар, энг аввало, тарафларнинг келишуви билан ҳал қилинади.

12.2. Агар ўзаро тушунмовчиликлар бошланган бўлиб, масаланинг ечими топилмаса, буюртмачи ёки ижрочи Ўзбекистон Республикаси қонунларидан келиб чиқиб, Иқтисодий судга муурожаат этишга ҳақли бўлади.

XIII. Яқуний қоидалар

13.1. Мазкур шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш фақатгина томонларнинг розилиги билан уларнинг тегишли ваколатли шахслари қўшимча келишувга имзо қўйган тақдирдагина мумкин бўлади.

13.2. Мазкур шартнома томонларнинг ваколатли шахслари имзолаган, Молия вазирлиги фазначилиги рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 йил 31 декабрга қадар амалда бўлади.

13.3. Мазкур шартнома икки нусхада тузилган бўлиб, ҳар иккаласи бир хил юридик кучга эга.

XIV. Шартномага илова ҳужжатлар

14.1. Мазкур шартномага илова этилган ҳужжатлар унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

14.2. Шартномага дарсликларнинг техник тафсилотлари илова этилади.

XV. Томонларнинг юридик манзили ва банк реквизитлари

Буюртмачи:

Ўзбекистон Республикаси
Халқ таълими вазирлиги

100017. Тошкент ш., Навоий кўчаси, 2а-уй.
Молия вазирлиги Фазначилиги
х/р 23 402 000 300 100 001 010
ХККМ Марказий банк Бош бошқармаси
МФО: 00014 ИНН: 201 122 919
ш/хр 3004 10 860 26 266 7096 ____ 218 ____
ИНН: 201 122 808

Ижрочи:

х/р: _____
Банк: _____
МФО: _____ . ИНН: _____
Код ОКЭД: _____
Тел.: _____



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI IQTISODIY TARAQQIYOT
VA KAMBAG‘ALLIKNI QISQARTIRISH VAZIRLIGI HUZURIDAGI
“LOYIHALAR VA IMPORT KONTRAKTLARINI KOMPLEKS EKSPERTIZA QILISH MARKAZI”
DAVLAT UNITAR KORXONASI**

2022-yil 19 may № 14/01-04/B-3691 100084, Toshkent, Amir Temur shoh ko‘chasi, 107-B

**O‘zbekiston Respublikasi
Xalq ta’limi vazirligi
“O‘quv ta’lim –ta’minot” davlat muassasasiga**

**Tender bo‘yicha xarid qilish hujjatlari loyihasining kompleks ekspertizasi yakuniga
ko‘ra
XULOSA**

Xarid predmeti	2022-2023 o‘quv yilida umumiy o‘rta ta’lim tashkilotlari uchun darsliklar va o‘quv – metodik qo‘llanmalari (Kembridj universiteti nashriyoti bilan hamkorlikda ishlab chiqilgan 7 - 11 – sinflar uchun “Ingliz tili” darsligi)ni nashr etish bo‘yicha xizmatlar
Buyurtmachining murojaat raqami va sanasi	2022-yil 27-apreldagi 01-22/228-son ariza (Markaz saytidagi ro‘yxat raqami 35922-son)
Buyurtmachi	O‘zbekiston Respublikasi Xalq ta’limi vazirligi “O‘quv ta’lim -ta’minot” davlat muassasasi
Xaridni amalga oshirish uchun asos	O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020-yil 16-martdagi “Noshirlik va matbaa sohasini yanada rivojlantirishga oid qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi PQ-4640-son qarori; O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2019-yil 22-fevraldagi “O‘zbekiston Respublikasi Xalq ta’limi vazirligi huzuridagi Xalq ta’limini rivojlantirish jamg‘armasi va byudjetdan tashqari Respublika maqsadli kitob jamg‘armasi faoliyatini tashkil etish to‘g‘risida”gi 155-son qarori; O‘zbekiston Respublikasi Xalq ta’limi vazirining 2021-yil 27-dekabrda 419-son buyrug‘i hamda Xalq ta’limi vaziri tomonidan 2021-yil 20-dekabrda tasdiqlangan 2022-2023 o‘quv yiliga umumiy o‘rta ta’lim tashkilotlari uchun darsliklar va o‘quv-metodik majmualarni xarid qilishning istiqbol kvotalari
Moliyalashtirish manbai	Byudjet mablag‘lari va Respublika maqsadli kitob jamg‘armasi mablag‘lari

Buyurtmachi tomonidan belgilangan boshlang'ich narx	113 992 307 381,10 so'm (QQS bilan)
Ekspertiza uchun asos	O'zbekiston Respublikasining 2021 yil 22 apreldagi O'RQ-684-sonli Davlat xaridlari to'g'risidagi Qonuni, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018 yil 8 yanvardagi PQ-3464-son va 2018 yil 20 fevraldagi PQ-3550-son qarorlari
Ekspertiza uchun to'lov miqdori va sanasi	Ushbu tender hujjatlarini ekspertizadan o'tkazish uchun haq undirilmaydi






O'zbekiston Respublikasi Iqtisodiy taraqqiyot va kambag'allikni qisqartirish vazirligi huzuridagi "Loyihalar va import kontraktlarni kompleks ekspertiza qilish markazi" DUK (keyingi o'rinlarda – Markaz) 2022-2023 o'quv yilida umumiy o'rta ta'lim tashkilotlari uchun nashr etilishi rejalashtirilgan darsliklar va o'quv – metodik qo'llanmalari (Kembridj universiteti nashriyoti bilan hamkorlikda ishlab chiqilgan 7 - 11 – sinflar uchun "Ingliz tili" darsligi)ni nashr etish xizmatlarini xarid qilish bo'yicha (ishchi tartibida o'zgartirilgan) tender hujjatlari loyihasini kompleks ekspertizasi natijalariga ko'ra, e'tirozlar yo'q ekanligini ma'lum qiladi.

Shu bilan birga, tender hujjatlarining 2-ilovasidagi "Dastlabki malakaviy baholash mezonlari" jadvalining 2- va 3-bandlari talablari faqat ishlab chiqaruvchi ishtirokchilarga nisbatan qo'llanilishi mumkinligi sababli, tender savdolarida potensial yetkazib beruvchilarning ishtirokini kengaytirish maqsadida ushbu bandni (talablarni) chiqarib tashlash maqsadga muvofiq hisoblanadi.

Yuqoridagilarni inobatga olgan holda, moliyalashtirish manbalari va hajmlari mavjud bo'lgan taqdirda buyurtmachi qonunchilikda belgilangan tartibda tender savdolarini amalga oshirish bo'yicha e'lonni davlat xaridlarining maxsus axborot portalida, ommaviy axborot vositalarida va o'zining rasmiy veb-saytida joylashtirilishini, shuningdek, xo'jalik yurituvchi subyektlarni tender savdolarida ishtirok etishi uchun keng jalb qilinishini ta'minlashi lozim.

Qo'shimcha tariqasida, shaffoflik va holislikni ta'minlash maqsadida, hamda ishtirokchilar doirasini kengaytirish uchun tanlov jarayonlari e'lon qilingan kundan boshlab 3 ish kuni oralig'ida Markazni habardor qilishingiz so'raladi.

Shu o'rinda, avvalroq Markaz tomonidan 2022-yil 3-martdagi 14/01-07/3-1237-sonli (Markaz saytidagi ro'yxat raqami 34108-son) berilgan xulosa 2022-yil 11-apreldagi 14/01-07/3-2387-sonli xulosasi bilan o'z kuchini yo'qotganligini eslatib o'tadi.

Direktor		M. Allabergenov
Direktor o'rinbosari		V. Ismailov
Boshqarma boshlig'i		B. Muxammadiyev
Bo'lim boshlig'i		R. Mirzabekov
Bosh mutaxassis		J. Urunov